

## УНДОВ ЕТИШТИРИШ ВА УНДАН ОПТИМАЛ ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ирода Рахмонова

Жиззах политехника институти З босқич талабаси

Камола Нурматова

Жиззах политехника институти З босқич талабаси

Шахло Ҳошимова

Жиззах политехника институти асистенти

**Аннотация:** Ушбу мақолада мұаллифлар томонидан мамлакатимизда етиширилаётган мева ҳамда сабзавот маҳсулотларининг тупроқ унумдорлигига таъсири ва шўрланган ерларни унумдорлигини оширишида ундов ўсимлигидан кенг фойдаланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Тўпланган билим ҳамда тажрибалар соҳа мутаҳассислари ва муҳлислари учун дастуруламал вазифасини бажаради.

**Калит сўзи:** шўрланган ерлар, тупроқ унумдорлиги, ундов етишириши, аҳоли генофонди, истеъмол бозори.

**Аннотация:** В данной статье авторы представляют информацию о влиянии плодовоощной продукции, выращиваемой в нашей стране, на плодородие почв, а также о широком использовании растения для повышения плодородия засоленных земель. Накопленные знания и опыт служат руководством для профессионалов отрасли и энтузиастов.

**Ключевые слова:** засоленные земли, плодородие почв, селекция, генофонд популяции, потребительский рынок.

**Abstract:** In this article, the authors present information about the effect of fruit and vegetable products grown in our country on soil fertility, and the widespread use of the plant to increase the fertility of saline lands. The accumulated knowledge and experiences serve as a guide for industry professionals and enthusiasts.

**Key words:** saline lands, soil fertility, breeding, population gene pool, consumer market.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Сўнгги 10 йилликда дунёда мева ва полиз маҳсулотларини етишириш бозори 40% га ошиб, 45 миллион тоннадан 63 миллион тоннагача етган. Дунё аҳолисининг ҳар бирига 120 килограммдан мева ва полиз маҳсулотларига тўғри келади. “Дунё аҳолисига мева ва полиз маҳсулотларини етказиб берадиган мамлакатлар ичида Хитой, АҚШ, Ветнам, Туркия, Марокко, ҳамда Европа Иттифоки мамлакатлари, айрим Осиё мамлакатлари Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар киради. 2023 йилга келиб, сўнгти 5 йиллик маълумотларга қараганда, озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳоннинг глобал муаммоларидан бириб бўлиб қолмоқда”. Йилнинг барча фаслларида аҳолини мева-сабзавотларга бўлган талабини қондириш мақсадида мева ва сабзавотларни сақлаш

муддатини максимал даражада узайириш ва нарх навони барқарорлигига эриши, маҳсулотларнинг озуқавий қиймати ва сифатини сақлаб қолиш, экспорт қилиш жараёнида сифатини йўқотмаслик ва уларга таъсир қилувчи омилларни оптималлаштириш, ҳамда мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг экологик хавфсиз табиий препаратлардан фойдаланиш, препаратларни истеъмолчиларнинг саломатлигига салбий таъсир этмайдиган технологияларни яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52 сон «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ-113-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармон ва қарорлари ижросини таъминлашда ушбу тўпланган маълумотлар муайян даражада хизмат қиласди[1].

Маҳсулотларни алмашлаб экмаслик тупроқ унумдорлигига ҳам ўзаро салбий таъсирини кўрсатади. Шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда мойли экинлардан ҳисобланган ундов ўсимлигидан оптимал фойдаланиш технологияси ва чорвачилик учун зарур бўлган озуқа баъзасини яратиш орқали биз ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш ҳам ундов ўсимлигини етиштириб чорва моллар озуқа баъзасини кенгайтиришда кенг фойдаланишимиз мумкин. Ундов - витаминлар ва минералларга, оқсиллар ва мойларга бой ўсимлик ҳисобланади. Унинг донида 20% гача оқсиллар, 9-10% мойлар мавжуд. Ўсимлик жуда яхши микдордаги биомассани беради (гектарига 400-500 центнергача), шунингдек у тупроқдаги тузларни ўзлаштиради. Бундан ташқари, унинг таркибидаги мой, оқсиллар ва бир қатор гормонлар биосинтези жараёнларида қатнашадиган ва саратон касаллигига қарши қимматли восита бўлган сквален моддаси мавжуд. Ундов озиқ-овқат саноатида буғдой унига қўшимча сифатида ишлатилиши мумкин. Ундов оқсилларининг таркиби ва сифати бўйича “Рейтинг” да буғдой 56 балл, сут 72 балл, ундов - 75 баллга эга. Катта микдордаги биомасса - гектарига 400-500 тоннагача етадиган ем-хашак ўсимликдир. Ундов ерларнинг ҳолатини яхшилашда ҳамда тупроқ шўрланишини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади[2].

Ўзбекистонда ундов ўсимлигини етиштириш катта ахамиятга эгалиги билан ажralиб туради. Ундов бир томондан чорвачилик учун озуқа манбаи бўлса иккинчи томондан қишлоқ хўжалигига шўрланган ерларни мелоратив ҳолатини яхшилашда ҳам мухум ахамиятга эгадир. Ўзбекистонда бугунги кунда шўр ва шўртоб ерларни мелоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ундов ўсимлигини экиш ва уни қайта ишлаш учун муттасади раҳбариятлар томонидан турли инновацион ғояларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Чорва моллари, қўй ҳамда эчкилар учун ушбу ўсимликнинг истеъмол қилиниши тавсия этилади. Таркибидаги Б ва Д витаминлари чорвачиликда юқори хосил олишга кўмаклашади. Ундов ўсимлиги чорвачиликда бозорбоп бўлиб,

харидорларни тан нархининг арzonлиги билан харидоргир бўлиши билан алохида ахамиятга эга. Жиззах вилояти худудида маҳсулотимизнинг бўлажак истеъмолчилари “Чақмоқ” МЧЖ дехқон хўжаликлари бўлади. Минтақада ушбу турдаги маҳсулотни етиширишга эҳтиёж бор, чунки Жиззах вилоятида «Чорвачилик» МЧЖ, рақобатчилар бўлса, бозорни қамраб олиш улуши 70% дан 100% гача бўлади. Қуйида сиз лойиҳани молиялаштириш жараёни билан танишасиз.

Лойиҳаннг қиймати	125 000,0 сўм
Шундан ўз маблағи	25 000,0
Банк кредити	100 000,0 сўм
Кредит муддати	5 йил
Шундан имтиёзли даври	1 йил
Лойиҳани қоплаш муддати	2 йил

№	Номи	Лойиҳани амалга ошириш даври (йил)					Жами
		I	II	III	IV	V	
	Даромад (минг сўм)						
1	Ундов ёғи ва чорва учун гранула	243 937,5	504 137,5	536 662,5	569 187,5	601 712,5	455 637,5
	<b>Жами</b>	<b>243 937,5</b>	<b>504 137,5</b>	<b>536 662,5</b>	<b>569 187,5</b>	<b>601 712,5</b>	<b>455 637,5</b>

Маҳсулот бозорини кенгайтиришда албатта тадбиркорга молиявий кўмак жуда лозим бўлади. Шу боисдан ҳам тадбиркор ўз ҳисоби ҳамда давлат шерикчилиги асосида ўз тижоратини давом эттиради. Ҳар қандай бизнес рижада албатта банкдан олинган қарз турли босқичларда қайтариш жараёни орқали графикда асосланади.

Қуйида олинган кредитнинг қайтариш схемаси билан танишиб чиқасиз.

Йил	Кредит фоизи	Асосий қарз	Жами тўлов
1	14 000,0	0,0	14 000,0
2	13 125,0	25 000,0	38 125,0
3	9 625,0	25 000,0	34 625,0
4	6 125,0	25 000,0	31 125,0
5	2 625,0	25 000,0	27 625,0
<b>Жами</b>	<b>45 500,0</b>	<b>100 000,0</b>	<b>145 500</b>

Хукуматимиз раҳбари томонидан имтиёзли кредит, солиқ ва бошқа тўловлардан имтиёзлар бериш кафолати натижасида ишчи кучи етарлилиги, малакали тажриба бўлганлиги ишлаб чиқариш фаолиятининг мавжудлиги, фаолиятнинг 2 йил даромад билан чиқиш имкониятини яратади. Ушбу имкониятдан фойдаланиш натижасида корхона ўз айланма маблағига эга бўлади. Бў ўз навбатида, корхона томонидан Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга салмоқли хисса қушади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, чорвачилик айниқса наслдор қорамолларни етиштириш ва уларни озуқа баъзасини турли витаминларга бой бўлган маҳсулот турлари билан таъминлаш учун ундов ўсимлиги бўлиши хеч шубҳасиздир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1- PF-5853-son 2019 yil 23 oktyabrdagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi. Farmoni.

2- <https://agro-olam.uz/moyli-zigir/>